




journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

THE ROLE AND IMPORTANCE OF AFGHANISTAN IN THE SECURITY INTERDEPENDENCE SYSTEM OF CENTRAL ASIA

Saodat Ubaydullaeva

Researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: sadulya75@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Central Asia, region, interdependence, security, foreign policy.

Received: 20.08.22

Accepted: 22.08.22

Published: 24.08.22

Abstract: The article examines the role of Afghanistan in the emerging system of interdependence in Central Asia, as well as its importance in ensuring security in the region. As a radical new approach to the foreign policy of the countries of the region, Afghanistan is researched as a key participant in the complex interdependence of the region.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ТИЗИМИДА АФГОНИСТОННИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Саодат Убайдуллаева

тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: sadulya75@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Марказий Осиё, минтақа, ўзаро боғлиқлик, хавфсизлик, ташқи сиёсат.

Аннотация:

Мақолада Афғонистоннинг Марказий Осиёда юзага келаётган ўзаро боғлиқлик тизимидағи роли, ҳамда минтақада хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти ўрганилган. Мавжуд муаммоларни минтақа давлатлари олиб бораётган ташқи сиёсатнинг тубдан янгича ёндашуви сифатида Афғонистоннинг минтақа комплекс ўзаро боғлиқлигининг асосий иштирокчиси сифатида тадқиқ этилган.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ АФГАНИСТАНА В СИСТЕМЕ ВЗАИМОЗАВИСИМОСТИ БЕЗОПASНОСТИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Саодат Убайдуллаева

Исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: sadulya75@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Центральная Азия, регион, взаимозависимость, безопасность, внешняя политика.

Аннотация: В статье рассматривается роль Афганистана в формирующейся системе взаимозависимости в Центральной Азии, а также его значение в обеспечении безопасности в регионе. В качестве радикально нового подхода к внешней политике стран региона исследуется Афганистан как ключевой участник сложной взаимозависимости региона.

КИРИШ

Хозирда халқаро муносабатлар назарияларида Афғонистоннинг минтақавий хавфсизлик комплексига таалуқлилиги масаласи бўйича турли фикрлар мавжуд. Бунинг сабаби хавфсизлик комплекслари назарияси назарий-методолик асосларининг замонавий халқаро муносабатларда минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимининг шакллантирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ишлаб чиқилганлигидадир. Б. Бузан [1]нинг назариясига кўра, битта мамлакатнинг ўзи биттадан ортиқ минтақавий комплексга кириши ва унинг иштирокчиси бўлиши мумкин эмас[2]. Шу муносабат билан, Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик комплексига таалуқлилиги масаласи юзага келади. Бу ўринда, Б. Бузан Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осиёдаги хавфсизлик комплекслари ўртасида «нисбий нейтрал» худудни шакллантирувчи «изолятор-давлат», деб ҳисоблайди[3].

АСОСИЙ ҚИСМ

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик комплексининг шаклланиши ҳолатини ўрганишда Афғонистон минтақа давлатларининг хавфсизлигига таъсирининг сезиларли эканлиги сабабли мазкур комплекснинг иштирокчиси деб қаралади. Афғонистоннинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон билан чегараолди худудларида (асосан Афғонистоннинг шимолида) катта микдорда ўзбеклар ва тожикларнинг яшashi омили ҳамда бу мамлакатдан минтақа учун умумий бўлган даъватлар ва таҳдидлар (гиёхванд моддаларнинг ноқануний айланиши, радикализм ва терроризм ғояларининг тарқалиши ва ҳоказолар) Афғонистон билан ўзаро боғлиқнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади. Шу

муносабат билан, Афғонистонни Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги комплексининг бир қисми сифатида қарап ва трансчегаравий аҳамиятга эга ҳамда бутун минтақанинг хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи асосий даъват ва таҳдидларни белгилаб олиш лозим.

Шу билан бирга, Афғонистон 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш шароитида яшамоқдаки, шу сабабли мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият танг ҳолатда. Уруш оқибатида Афғонистонда 2 миллиондан зиёд одам вафот қилди ва 5 миллиондан ортиқ одам эса қочоққа айланди[4].

Тадқиқотчи олим Р. Маҳмудовнинг фикрига кўра, Афғонистон ташки ёрдамга ниҳоятда боғланиб қолган. Жаҳон банкининг маълумотига мувофиқ мазкур мамлакат давлат ҳаражатларининг 75 фоизгача қисми хорижий грантларга тўғри келади[5]. Бундай омиллар эксперtlар ва тадқиқодчилар томонидан Афғонистонга нисбатан “ночор давлат” деган тушунчани ишлатилишига асос бўлиб хизмат қилган, албатта. Ушбу тушунча, биринчидан, танг ҳолатда қолган, иккинчидан, давлат бошқаруви органлари мамлакатни бошқаришга қодир бўлмаган, учинчидан, шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги таъминланмаётган давлатлар учун қўлланилади[6].

Бунинг устига, мамлакатда минтақавий ва ҳалқаро хавфсизликка таъсир кўрсатувчи ҳал этилмай ётган улкан муаммолар сақланиб қолган. Улардан энг асосийси мамлакатнинг амалда барча вилоятларида етиштирилиб, тарқатиладиган гиёхванд моддалар ва уларнинг ноқонуний айланиши ҳисобланади[7]. Унинг улуши мамлакат ноқонуний иқтисодиётида етакчи ўрин тутади. Афғонистон дунёдаги гиёхванд моддалар етиштирувчиларнинг энг йириклиридан бири. БМТнинг гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бошқармасининг маълумотига кўра, сўнгги беш йил мобайнида жаҳонда ишлаб чиқарилган қорадорининг 84 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. 2020 йилда эса бу кўрсаткич 85 фиозга етган. 2019 йилда Афғонистонда кўкнори экилган майдонлар 163 000 гектарни ташкил этган. Гиёхвандда моддалар Афғонистон Ислом Республикасининг 34 вилоятидан 21 тасида асосий экин ҳисобланади. 2021 йилда қорадори ишлаб чиқаришдан кўрилган фойда 1,8 миллиардоллардан 2,7 миллиард долларгачани ташкил этган[8].

Озиқ-овқат, гуманитар, экологик, қонун устуворлиги ҳамда қашшоқликнинг ошиб бориши, ишга жойлашиш ва таълим тизимининг сифатсизлиги билан боғлиқ муаммолар хавфсизлик тизимида муҳим роль ўйнайди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг маълумоти кўра, 2015 йилда Афғонистонда 8,5 миллион аҳоли озиқ-овқат тақчиллигидан азият чеккан[9]. Мазкур рақам 2021 йилнинг декабрига келиб 14,5 миллион кишига етди ва улардан 4 миллионининг аҳволи ниҳоятда танг (кун кўриш учун озиқ-овқатлари йўқ)[10]. Шу муносабат билан, БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра,

агар халқаро ҳамжамият Афғонистондаги иқтисодий аҳволни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чоралар кўришнинг уддасидан чиқа олмаса, у ҳолда 2022 йилда бу мамлакат аҳолисининг 97 фоизи ўта қашшоқлашади. Бунинг устига қашшоқ аҳолининг 58 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Бундан ташқари, 4 миллионга яқин бола таълим олиш имкониятидан маҳрум, 72 фоиз аҳолининг саводи чиқмаган[11]. Бу муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги ва давлатнинг уларни ҳал этишга қодир эмаслиги сабабли, Афғонистон жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлай оладиган давлатлар тоифасига кирмайди.

Марказий Осиёда олиб борилаётган минтақавий ҳамкорлик жараёнларига Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон билан бевосита чегарадош Афғонистон ҳам доимо жалб этиб келинмоқдаки, мазкур давлатнинг ҳам хавфсизлиги бутун минтақадаги вазиятга бевосита таъсир кўрсатиши, шубҳасиз. 2017 йил январь ойида Ўзбекистон ташки ишлар вазири А. Комилов Афғонистонга расмий ташриф буюрди ва ташриф натижалари бўйича қуидагиларни баён қилди: Ўзбекистон бундан буён Афғонистонга фақат хавфсизликка таҳдид солувчи мамлакат, деган нуқтаи назар билан қарашдан воз кечади[12].

Шуни таъкидлаш лозимки, Афғонистондаги хавфсизлик трасминтақавий лойихаларни бошлиш, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш имконини берадики, бу ҳол иккала минтақа давлатларининг барқарор ривожланиши учун қудратли драйвер вазифасини бажаради ҳамда иқтисодий ривожланиш бўйича қўшма дастурлар манфаатдор томонлар ўртасида Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик зарурлиги ҳақида бир битимга эришиш учун шароит яратади.

Мазкур масаланинг муҳимлиги бугунги кунда Афғонистонда юзага келган ҳарбий-сиёсий вазият билан ҳам боғлиқ, чунки 2021 йилнинг августида ҳокимиятнинг Толибон ҳаракати томонидан эгалланиши Марказий Осиёнинг минтақавий хавфсизлигига муайян даражада мувхумлик юзага келишига сабаб бўлди. Бу ўринда гап, бир томондан, Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда ҳукм сураётган сиёсий танглик бўйича қарашларида фарқ борлиги ва уларнинг бир-бирига тўлиқ тўғри келмаётганлиги ҳақида[13], иккинчи томондан эса йирик давлатларнинг Афғонистон Ислом Республикасиға нисбатан тутаётган сиёсий найранглари ва стратегиялари (АҚШ ва ЕХ ҳукуматлари Афғонистоннинг янги ҳокимиятини қўллаб-қувватламаслик ҳақида сиёсий қарор қабул қилишиб, бу мамлакатнинг хорижий давлатлар банкларидағи активларини музлатиб қўйишиди)[14] хусусида бормоқда. Ш. М. Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға қайта сайланганлигига

бағишланган тантанали қўшма мажлисида сўзлаган нутқида: «Биз яқин қўшнимиз ва Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлмиш Афғонистонга мамлакатда тинчлик ва барқарорликни тиклашда, иқтисодий ва гуманитар бўхроннинг олдини олишда қўлдан келганича ёрдам берамиз»[15].

Бироқ, бугунги кунда мамлакатларнинг халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича ўзаро боғлиқлик тизимини шакллантириш ва бу жараёнда Афғонистоннинг ролига нисбатан муносабат ва ёндашувларида ноаниқлик мавжуд, ваҳоланки, айни вактда Афғонистон Жанубий Осиёда хавфсизликни таъминлашда муҳим бўғин ҳисобланади. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича ўзаро боғлиқлик назарияси методолик асосларининг яратилмаганлиги ҳам долзарб муаммолар сирасига киради, бунда 1991 йилдан сўнг аксарият назария ва тадқиқодларда Марказий Осиёда кечётган жараён ва воқеаларга давлатлар ўртасида «ўзаро боғлиқлик» нуқтаи назаридан эмас, балки «ўзаро даҳлдорлик» нуқтаи назаридан қаралган.

Б. Бузаннинг фикрича, давлатнинг бошқаришга қодирлиги учта кўрсаткичдан иборат, булар: 1) жисмоний қудрат (аҳоли ва ҳудуд); 2) давлат бошқаруви идораларининг бутлиги; 3) давлатнинг мафкураси (сиёсий тенглик)[16].

Яна бир тадқиқотчи олим Ж. Муротбекнинг таъкидлашича, Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантириш борасидаги барча ҳаракатлари кутилган натижани бермади, бунга Афғонистон омилиниң ҳам таъсири бор, албатта[17]. Ф. Старнинг қайд этишича, Марказий Осиё мамлакатлари Афғонистонни минтақанинг ажралмас қисми деб ҳисоблайдилар, чунки АИР бутун минтақада хавфсизликнинг таъминланиши учун жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, у, АҚШ ўзининг Марказий Осиё бўйича стратегиясида афғон омилини ҳисобга олиши шарт, деган хulosани билдиради[18].

2021 йилнинг августида Афғонистонда ҳокимият тепасига “Толибон” ҳаракатининг келиши бу мамлакатда нафақат сиёсий, балки иқтисодий соҳада ҳам янги-янги хавф-хатарларни вужудга келтирди. Хусусан, Афғонистонга жиддий иқтисодий танглик, даромадларнинг камайиб кетиши ва янги хукуматнинг аҳолининг энг оддий эҳтиёжларини ҳам қондиришнинг уддасидан чиқа олмаслиги каби салбий ҳолатлар хавф солмоқда. Масалан, Афғонистоннинг хориждаги 9,4 млрд. долларга teng валюта заҳиралари музлатиб қўйилган. Жаҳон валюта банкининг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун мўлжалланган 400 млн. долларлик заёми ҳам музлатилган, Евроиттифоқнинг Афғонистон хукуматига ёрдам тариқасида 1,4 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратиш режаси тўхтатиб қўйилган. 2021 йилда Афғонистоннинг 12 млн. аҳоли яшайдиган ҳудудида

курғоқчилик рўй бердики, бу ҳолат мазкур мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Бунинг устига афғонларнинг 72 фоизи камбағаллик чегарасидан ташқарида яшайди, 60 фоизи эса электрдан фойдаланиш имкониятига эмас[19].

“Толибон” ҳаракати ташкил этган ҳукумат ва унинг вакиллари ўз кучларига ишончини намойиш этмоқда ва улар асосан қуидаги тамойиллардан иборат: биринчидан, «Толибон» ҳаракати сиёсий ҳокимият сифатида фаолият юритмоқда ва улар билан ишлашга тайёр бўлган барча давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ниятида. Афғонистонда ҳокимият тепасига келган “Толибон” ҳаракати вакили З. Мужаҳид ўзининг дастлабки матбуот-конференциясида янги ҳукуматнинг ёндашувларини баён этиш чоғида - “Толибон” мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантиришни, гиёхванд моддалар етиштирилишини таъкиқлашни, оммавий-ахборот воситалари (ОАВ) ва журналистларнинг бемалол фаолият юритишлари учун барча шароитларни яратиб беришни, хотин-қизлар ҳуқуқларининг шариат аҳкомлари асосида таъминланишини ҳамда дунёнинг барча давлатлари билан ҳамкорлик қилишни режалаштираётганини таъкидлади[20]; иккинчидан, ҳозирги толибларнинг мафқураси 1996 – 2001-йиллардагиларнидан тубдан фарқ қиласиди; учинчидан, ички оппозиция билан зиддиятларни бартараф этишга ишонч, чунки пуштуналар билан нисбатан кам сонли миллатлар (тожиклар, ўзбеклар) ўртасидаги муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ўз навбатида, хорижий давлатлар Толибон ҳаракати бошчилигидаги Афғонистон масаласи бўйича ёндашувларини турлича белгилашмоқда. Масалан, АҚШ ва ЕХ, гуманитар ёрдам қўрсатишга тайёр эканликларига қарамай, ҳали Толибон ҳукуматини тан олиш режалари йўқ. Россия ҳам Толибон ҳукуматини тан олишга шошилмаётир, лекин у билан муносабат ўрнатиш мақсадида алоқани йўлга қўйган. Хитой ва Покистон, бошқа давлатларга нисбатан Толибон ҳукумати билан фаол иш олиб боришишмоқда. Бунинг устига, Толибон Хитойни Афғонистон иқтисодиётини ҳар томонлама қўллаб-куватламоқчи бўлган асосий шерик, деб билади[21]. Ўзбекистон Республикаси ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг фикрига кўра, Ўзбекистон “Толибон” ҳаракати билан бевосита алоқа ўрнатган биринчи мамлакат ҳисобланади[22].

Экспертларнинг фикрича, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизими минтақадаги барча мамлакатларни, шу жумладан минтақага таъсири сезиларли бўлганлиги сабабли Афғонистонни ҳам ўз ичига олиши

лозим. Қарама-қарши қучларга ёрдамлашаётган барча давлатлар бу жараёнда иштирок этган тақдирдагина, Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш мумкин бўлади[23].

Ўзаро боғлиқнинг кучайиб бориши - хавфсизлик ва низолар муаммоларининг мураккаблашишига имкон яратадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Афғонистонни фақат хавфсизликнинг “жиддий” муаммолари ёрдами билангина таърифлаш ва тушуниб этиш мумкин эмас.

Минтақавий хавфсизлик комплекси назариясига биноан, мураккаблик шундаки, хавфсизликка таҳдидлар кўпроқ минтақавий яқинлик сабабли келиб чиқади. Хавфсизлик минтақавий муаммога айланиб, таҳдидлар эса катта масофада жойлашганларга тарқалмайди, аксинча, кўшни давлатлар хавфсизлик муаммоларига кўпроқ дуч келишлари мумкин. Шундай қилиб, жўғрофий жиҳатдан ёнма-ён жойлашган давлатлар умумий ва ўзаро боғлиқ хавфсизликка таҳдидларга учрайдилар ва шунинг учун минтақавий хавфсизлик комплексларини шакллантиришларига тўғри келади.

Афғонистон Осиёнинг қок марказида жойлашган ва унга тарихий, диний ва маданий жиҳатлардан яқин бўлган давлатлар билан ўралган. Афғонистоннинг хавфсизлик жиҳатдан заифлиги бутун минтақага таъсир этади, оқибатда бу ҳудуддаги давлатлар ҳам хавфсизлик муаммосига учрайдилар. Шу муносабат билан, Афғонистон ва унинг атрофидаги минтақалар мураккаб минтақавий ўзаро алоқалар учун қулай, ваҳоланки, афғон низоларидан келиб чиқаётган хавфсизликка таҳдидлар қўшни давлатлар учун жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Афғонистондаги тинчлик жараёни бутун вазиятни чуқур англаб этиш учун зарур бўлган муҳим ва мураккаб минтақавий мезонга эга. Осиёнинг марказида жойлашганлиги учун Афғонистондаги вазиятнинг хавфсизлик жиҳатидан ноқулайлиги кўшни давлатларнинг ҳам иқтисодий ва хавфсизлик манфаатларини хатарга қўяди, чунки Афғонистоннинг жўғрофий ўрни минтақавий хавфсизлик билан иқтисодий манфаатлар ўртасида мураккаб ўзаро боғликлек тармоғининг шаклланишига имкон яратади.

Терроризмга қарши қурашда «биз билан» ёки «бизга қарши» каби шиорлардан фойдаланилиши бир қанча давлатнинг урушда қатнашишига сабаб бўлди. Бундай давлатлардан бири Покистон бўлиб, у шу қунга қадар ўзининг иттифоқдошлик мавқеидан ҳануз азият чекмоқда[24].

Афғонистон Марказий Осиё, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ йўлларининг геостратегик жиҳатдан ниҳоятда қулай чорраҳасида жойлашганлиги туфайли изолятор-давлат ҳамда боғлаб турувчи бўғин, деб таърифланади.

Халқаро тизимда минтақалар чегарасида жойлашган давлатлар, масалан Афғонистон – сиёсий жиҳатдан құксız мамлакат бўлиб, халқаро муносабатларда имкониятлари ва ресурслари нисбатан заиф бўлишига қарамай, қудратли давлатлар сиёсатини шакллантирган. Реалистик ёндашувлар бундай давлатларни «буфер ёки ишончли вакил» деб ҳисоблаб, иккинчи даражага тушуриб қўйди. Халқаро муносабатлар назариясида минтақаларни таҳлил қилиш учун асослар етарлича ўрганилмаганлиги сабабли уларга кўпроқ эътибор қаратилади[25].

Афғонистон Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё билан ўралган изолятор-давлат ҳисобланади. Ислом экстремизми, террорчиларнинг минтақадаги давлатларга тегишли эканлиги, мамлакатда қудратли давлатлар кучларининг мавжудлиги каби кўпгина омиллар Афғонистон хавфсизлигига янги таҳдидларнинг шаклланишига имконият яратмоқда. Хавф-хатарни сезиб, минтақадаги давлатлар ва қудратли давлатлар билан хавфсизлик тармоғини ташкил этаётган Жанубий Осиё мамлакатларини тушуниш мумкин.

Жанубий Осиё доирасида Афғонистонга нисбатан хавфсизлик назарияси кўлланилган адабиётлар жуда кам. Шунингдек бошқа жиҳатларга ҳам, хусусан нодавлат субъектларининг терроризмга ва Афғонистондаги трансатлантика иттифоқига нисбатан таҳдидларга қарши курашдаги иштирокларига ҳам ниҳоятда кам эътибор берилган.

К. Харпвикен Афғонистонни Яқин Шарқ, Жанубий Осиё ва Марказий Осиёнинг бир қисми эмас, чунки у тарихан мазкур минтақалар ўртасида жойлашган, деб ҳисблайди[26]. Минтақавий хавфсизлик комплекси ҳамкорлик ва қарама-қаршилик муносабатларини ўз ичига олади. Минтақалар турли субъектларнинг тизим ичидаги ўзаро алоқаларини боғлабина қолмасдан, балки миллий ва глобаль хавфсизлик учун биргалиқда ҳаракат қилинадиган майдон вазифасини ҳам бажаради.

Б. Бузан томонидан илгари сурилган минтақавий хавфсизлик комплекси назариясида Жанубий Осиёдаги хавфсизлик комплекси ҳам тадқиқ қилинадики, бу комплекс жўғрофий жиҳатдан бир-бирлари билан жипслashiб кетган давлатлар ўртасида хавфсизлик соҳасида ўзаро боғлиқлиқ мавжудлигига асосланган. Мазкур Жанубий Осиё хавфсизлик комплексида Непал, Бутан, Шри-Ланка, Мальдив, Бангладеш давлатлари яқиндан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқалари мавжудлиги туфайли, Покистон билан Ҳиндистон ҳудудий даъволар сабабли рўй берган низолар натижасида бир-бирлари билан боғланган. Мьянмада ҳарбий тўнтаришдан кейин ва АҚШ Афғонистондан кетиб, ҳокимият тўлиқ Толибон ҳаракати қўлига ўтганидан сўнг Ҳиндистон ва ушбу комплекс ичидаги давлатлар қанчалик изоляция ҳолатида қолмоқда, деган савол очиқлигича қолди,

чунки Афғонистондан қочаётганлар ҳамда Бангладеш билан Ҳиндистонда рохинжа қочоқлари билан боғлиқ танглик муаммонинг кескинлашиб кетаётганлигидан далолат бермоқда[27].

ХУЛОСА

Шу муносабат билан, Афғонистондан чиқаётган даъват ва таҳдидлар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимининг шакллантирилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Ҳозирги пайтда бекарор вазият ҳукм суроётган Афғонистоннинг яқин масофада жойлашганлиги Марказий Осиё минтақасига салбий таъсир кўрсатаётган асосий таҳдидлардан биридир[28]. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва мустахкамлаш муаммоларининг ҳал этилиши асосан Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш жараёнининг қандай кечишига боғлиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Барри Гордон Бузан (1946 й.т.) — Британиялик-канадалик сиёсатшунос, халқаро алоқалар бўйича мутахассис, минтақавий хавфсизлик комплекси назариясини ишлаб чиқсан, Копенгаген хавфсизлик тадқиқотлари мактабининг асосчиларидан бири.
2. Лукин А. Л. Теория комплексов региональной безопасности и Восточная Азия// Ойкумена. 2011. № 2. С. 10.
3. Buzan B. and Wæver O. Regions and Powers. The Structure of International Security./ Cambridge University Press. 2003.588p. –P. 110
4. Колесова Е.Д. Афғанистан в геополитическом измерении безопасности Евразии. / Е.Д.Колесова. - <http://csef.ru/ru/oborona-i-bezopasnost/340/afghanistan-v-geopoliticheskom-izmerenii-bezopasnosti-evrazii-5928>
5. Р.Махмудов. Как выстраивается политика Узбекистана в новых реалиях Афғанистана?. 30 АВГУСТА, 2021 г. <https://www.caa-network.org/archives/22144/kak-vystraivaetsya-politika-uzbekistana-v-novyh-realiyah-afganistana>
6. Macartan H., Bates R. Political Institutions and Economic Policies: Lessons from Africa // British Journal of Political Science. - 2005. - №3. - P. 403-428
7. Онищук С.М. Шанхайская организация сотрудничества как международная организация нового типа: становление и развитие монография. / С.М. Онищук. - М.: ВУ, 2010. - С. 35.
8. УНП ООН: производство опиума в Афғанистане увеличилось на 8 процентов. 16.11.2021 г. <https://news.un.org/ru/story/2021/11/1413952>

9. Тяжелая ситуация с продовольственной безопасностью в Афганистане.
<https://www.fao.org/news/story/ru/item/328298/icode/>
10. Тяжелая ситуация с продовольственной безопасностью в Афганистане.
<https://www.fao.org/news/story/ru/item/328298/icode/>
11. Афганистан: проблемы и перспективы. - <http://www.golos-ameriki.ru/a/afghanistan-situation-current-2009-12-01-78221342/663452.html>
12. Узбекистан корректирует внешнюю политику // Независимая газета. 14.09.2017.
13. Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Туркманистон Толибон ҳаракати вакиллари билан икки томонлама маслаҳатлашувлар олиб боришмоқда, Тожикистон эса Афғонистонда барча миллатлар, шу жумладан тожиклар, улар Президент Э. Раҳмоннинг сўзига кўра бу мамлакат аҳолисининг 46 фоизини ташкил этади, иштирокида «инклузив» ҳукумат ташкил этилишини талаб қилмоқда.
14. Taliban Face Threat of European Sanctions Over Rights Abuses and Terror Links. The Wall Street Journal. 01.09.2021 г. <https://www.wsj.com/articles/taliban-face-threat-of-european-sanctions-over-rights-abuses-and-terror-links-11630516839>. Biden administration freezes billions of dollars in Afghan reserves, depriving Taliban of cash. The Washington Post. <https://www.washingtonpost.com/us-policy/2021/08/17/treasury-taliban-money-afghanistan/>.
- АҚШ Президенти Ж. Байден маъмурияти Афғонистон ҳукуматининг Америка банк ҳисобларида сақланаётган валюта заҳираларини (9,4 миллиард долларга яқин) музлатиб кўйган. ЕХ эса Афғонистонга мўлжалланган 1 млрд евролик иқтисодий ёрдамни 7 йилга музлатган.
15. Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганлигига бағишлиланган тантанали қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. Биз Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясига асосланган ҳолда демократик ислоҳотлар сари йўлимизни давом эттирамиз. 06.11.2021. <https://president.uz/ru/lists/view/4743>.
16. Buzan, B. People, States and Fear: The National Security Problem in International Relations. USA: The University of North Carolina Press, 1983. pp.36-69.
17. Ж.Муратбек.ШОС и комплекс региональной безопасности центральной Азии, Казахский университет международных отношений и мировых языков имени Абылай хана (КазУМОиМЯ), 02.04.2013 г.
18. F.Starr, S. Enders Wimbush. U.S. Strategy Towards Afghanistan And (The Rest Of) Central Asia. January 24, 2019. American Foreign Policy Council.

<https://www.afpc.org/publications/articles/u.s.-strategy-towards-afghanistan-and-the-rest-of-central-asia>

19. А.Кузнецов.О возможных источниках финансирования Афганистана при правлении движения «Талибан». <http://www.iimes.ru/?p=80634>

20. Taliban holds first press conference since victory. 18.08.2021.
<https://www.jpost.com/international/taliban-holds-first-press-conference-since-victory-676980#:~:text=The%20Taliban%20held%20their%20first,the%20framework%20of%20Islamic%20law>.

21. Taliban Says China Is Our Main Partner, Represents 'our Ticket' Around World Markets. 03.09.2021 г. <https://www.republicworld.com/world-news/rest-of-the-world-news/taliban-says-china-is-our-main-partner-represents-our-ticket-around-world-markets.html>

22. Абдулазиз Камилов — о том, чего хочет «Талибан».
<https://www.gazeta.uz/ru/2021/06/26/taliban/>

23. Р.Бурнашев. О возможности системы региональной безопасности в Центральной Азии. https://ca-c.org.ru/journal/2001/journal_rus/cac-01/02.brnashr.shtml

24. F. Sarwar, U.Siraj Afghan Peace Process: RegionalComplexities and the Role of China. NUST Journal of InternationalPeace & Stability2021, Vol. 4(1) Pages 40-52njips.nust.edu.pk

25. E. Aydinli, J.Rosenau (ed), Globalization, Security, and the NationState (State University of New York, 2005), B.Buzan, O.Wæver, J.Wilde et al., Security: A New Framework forAnalysis (London: Lynne Rienner Publishers, 1998), 201

26. Kristian Berg Harpviken, “Geopolitical Fault Lines – The Case of Afghanistan”, The International Relations & Security Network, December 05, 2011, www.isn.ethz.ch/Digital Library/Articles/Special (accessed February 11, 2019).

27. Karimov, N. (2022). THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(03), 28-45.

28. O.Tapan. How relevant is Barry Buzan's regional security complex theory in today's South Asia and beyond?. 19.08.2021 г. <https://thekootneeti.in/2021/08/19/how-relevant-is-barry-buzans-regional-security-complex-theory-in-todays-south-asia-and-beyond/>

29. Турдиева З.Т. Интеграция в сфере безопасности в странах Центральной Азии: проблемы и современное состояние // Вестник КРСУ. – 2010. - № 1 . – С.17.